

СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ИСБОТЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ АҲАМИЯТИ

А. Я. Меҳмонов,

ИИВ Академияси олий ўқув юртдан кейинги таълим факультети таянч
докторантура мустақил изланувчиси

Аннотация:

Мақолада исботлаш жараёнида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ва суд-тергов амалиётида энг кўп ўтказиладиган тергов ҳаракатларидан бири бўлган сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг таснифланиши бўйича мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг мазкур масала юзасидан билдирилган фикрларини чуқур таҳлил қилган ҳолда мазкур тергов ҳаракатини янги таснифини ишлаб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: сўроқ, жиноят, тергов, гувоҳ, жабрланувчи, тасниф, гумонланувчи, айбланувчи, субъект, мақом, психология, вояга етмаган, далиллар, маълумотлар, таҳлил.

Аннотация:

В статье приводятся мнения по отдельным аспектам, требующих внимание при разработке новой классификации производства следственного допроса с углубленным анализом высказанных по данному вопросу точек зрения отечественных и зарубежных ученых, имеющих наибольшее значение в процессе доказывания и, являющихся одним из наиболее часто проводимых следственных действий в судебно-следственной практике.

Ключевые слова: допрос, преступление, следствие, свидетель, потерпевший, классификация, подозреваемый, обвиняемый, субъект, статус, психология, несовершеннолетний, доказательства, данные, анализ.

Annotation:

The article provides feedback on aspects that should be considered when developing a new classification of this investigative action with a thorough analysis of the



opinions expressed by our country and foreign scientists on this issue regarding the classification of the interrogation investigative action, which is the most important in the process of proving and is one of the most conducted investigative actions in forensic.

Keywords: interrogation, crime, investigation, witness, victim, classification, suspect, accused, subject, status, psychology, minor, evidence, data, analysis.

Сўроқ қилиш жиноятларни тергов қилиш ва фош этиш жараёнида амалга ошириладиган энг кенг тарқалган тергов ҳаракатидир. Сўроқ қилиш далилларнинг асосий манбаи, далилларни тўплаш ва текшириш воситаси сифатида намоён бўлади. Сўроқ қилишдан кўзланган мақсад содир бўлган ходиса бўйича тўлиқ ва объектив далилларни олиш бўлиб ҳисобланади. Вазифаси эса жиноят иши бўйича ҳақиқатни ва исботлаш предметига тааллуқли алоҳида ҳолатларни аниқлашдан иборат [15].

А.Н. Василев ва Л.М. Карнееванинг таъбири билан айтганда сўроқ қилиш пайтида “деярли ҳар бир ишда ҳақиқатни аниқлаш учун энг кўп далиллар олинади. Шу маънода сўроқ қилишни далилларни олишнинг асосий ёки бош манбаи деб ҳисоблаш мумкин”[5, Б.208].

Дарҳақиқат, сўроқ қилиш тергов ҳаракатларининг бутун тизимида мустаҳкамловчи бўғиндир. Тергов ҳаракатлари институтининг жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида фактик маълумотларни олишга ва ҳақиқатни аниқлашга қаратилган ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи процессуал чоралар тизими сифатидаги аҳамияти юридик адабиётларда аллақачон батафсил баён этилган[14, Б.9-12].

Шундан келиб чиқиб, биз сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг таснифи ва турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларига эътиборимизни қаратсак мақсадли бўлади.

Ҳар қандай илмий билим соҳасининг мазмуни маълум бир тартибни, маълум бўлимларга, тармоқларга тақсимлашни, яъни тизимга солишни, тизимлаштиришни талаб қилади, Илмий билимларни тизимлаштириш илмий билиш предмети элементлари ўртасидаги объектив равишда мавжуд бўлган мунтазам алоқаларга мос келадиган, бу алоқаларни акс эттирадиган шундай тартиблашни назарда тутди. Бундай тизимлаштириш таснифлаш тартиби



бўйича бошқа мантикий операцияга асосланади, яъни у ёки бу асосларга кўра нарсалар, ходисалар, муносабатлар, хусусиятлар, белгилар ва ҳоказолар алоҳида гуруҳларга бўлинади[4, Б. 489].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Тасниф” сўзига нарса ва ходисаларни уларнинг ўзига хос белги, хусусиятларига қараб тур, туркум ва шу кабиларга ажратиш сифатида, “Тур” сўзи эса белгилари, хоссалари, вазифаси ва шу кабилар жихатидан умумий бўлган бир гуруҳ ёки бутунлик ташкил этган нарсалар, ходисаларнинг хили, нави, кўриниши сифатида таърифланган[12, Б. 73,256].

Шундай қилиб, таснифлаш - нарсалар, хусусиятлар, ходисаларни турли асослар бўйича алоҳида гуруҳларга ажратиш саналади. Тасниф турга нисбатан кенг тушунча бўлиб, муайян нарса ёки ҳодиса таснифига кўрагина турларга ажратилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сўроқ қилиш тергов ҳаракатини таснифлари орқали турларга ажратган ҳолда алоҳида-алоҳида кўриб чиқсак. Сўроқ қилишнинг таснифи илмий қизиқиш уйғотади, чунки уни алоҳида тоифаларга ажратиш ёрдамида ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш, унинг самарадорлиги ва сўроқ қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганиш мумкин.

Суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг самарадорлиги ва уни ўтказишда юзага келаётган муаммоларини ўрганар эканмиз, ушбу тергов ҳаракатини сўроқ қилиш субъекти, сўроқ қилинувчи шахслар, алоҳида тоифадаги сўроқ қилинувчилар ва бошқа ўзига хос хусусиятларига кўра алоҳида таснифларга ажратишимиз мақсадга мувофиқдир. Бироқ, ундан аввал, сўроқ қилишни тасниф ва турларга ажратишимиз энг мукамал кўриниш олиши учун ушбу юзасидан илмий изланиш олиб борган бир қатор олимларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш зарур деб ҳисоблаймиз[16].

Ўз навбатида Р.С. Белкин сўроқ қилиш тергов ҳаракатини сўроқ қилинувчининг процессуал ҳолати бўйича гувоҳ; жабрланувчи; гумон қилинувчи; айбланувчи ва экспертни сўроқ қилишга, кетма-кетлиги бўйича эса, дастлабки, қайта ва қўшимча турларга ажратиб кўрсатган[3].

Ш.Т. Джуманов эса бунга бошқача ёндашган ҳолда, сўроқ қилишни сўроқ қилинувчининг процессуал ҳолати таснифи бўйича жабрланувчи; гувоҳ;



гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш турларига, сўроқ қилинувчининг ёши таснифи бўйича кичик ёшдагилар (13 ёшгача); вояга етмаганлар (18 ёшгача) ва вояга етганлар (18 ёш ундан катталар)ни сўроқ қилиш турларига, сўроқ қилиш жойи таснифи бўйича дастлабки тергов олиб борилаётган жойда сўроқ қилиш (ички ишлар органи, прокуратура бинолари ва бошқалар) ва сўроқ қилинаётган шахс жойлашган жойда (яшаш, ўқиш, иш, даволаниш ва бошқалар) сўроқ қилиш турларига, сўроқ қилишда иштирок этган иштирокчилар таркиби таснифи бўйича учинчи шахслар иштирокисиз сўроқ қилиш ва ҳимоячи, эксперт, мутахассис, вояга етмаганнинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари, ўқитувчи, таржимон ва бошқалар иштирокида сўроқ қилиш турларига, сўроқ қилиш кетма-кетлиги ва ҳажми таснифи бўйича дастлабки, қайта ва қўшимча турларига, юзага келган тергов вазияти таснифи бўйича зиддиятсиз вазиятда ва зиддиятли вазиятда сўроқ қилиш турларига ажратган [6, Б. 230-231].

А.Л. Шмидт сўроқ қилишни сўроқ қилинувчиларнинг процессуал мақоми таснифи жиҳатидан гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва экспертларни сўроқ қилиш турларига, ёш таснифи бўйича вояга етган ва вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш турларига, сўроқ ўтказиш вақти ва мазмунига кўра, бирламчи, қайта ва қўшимча турларга ажратиб кўрсатиб, сўроқ қилиш шунингдек, ҳимоячи, педагог, прокурор ва бошқа процесс иштирокчилари қатнашувида ҳам ўтказилиши мумкинлигини таъкидлаган [9, Б.153].

Бу борада А.Г. Аленниковни қарашлари алоҳида аҳамиятли бўлиб, у сўроқ қилишни тасниф ва турларга ажратишга чуқурроқ ёндашиб, қуйидагиларга ажратган:

1. сўроқ қилинувчининг процессуал ҳолати бўйича: а) гувоҳни сўроқ қилиш; б) жабрланувчини сўроқ қилиш; в) гумон қилинувчини сўроқ қилиш; г) айбланувчини сўроқ қилиш; д) судланувчини сўроқ қилиш; е) экспертни сўроқ қилиш;
2. сўроқ қилинувчининг ёши бўйича: а) вояга етганни сўроқ қилиш; б) вояга етмаганни сўроқ қилиш; в) кичик ёшдагиларни сўроқ қилиш;
3. иштирокчилар таркиби бўйича: а) учинчи шахслар иштирокисиз; б) ҳимоячи, эксперт, мутахассис, прокурор, тергов бўлими раҳбари, педагог, ота-оналар, таржимон ва вояга етмаганни қонуний вакили иштирокида;



4. шахсни сўроқ қилиш навбатига бўйича: а) дастлабки; б) қайта;
5. ҳажми бўйича: а) асосий; б) қўшимча;
6. сўроқ қилиш ўтказилган жой бўйича: а) терговчининг хизмат хонасида (суд мажлиси ўтказилган залда); б) бошқа жойда;
7. тергов вазияти хусусияти бўйича: а) зиддиятли вазиятда; б) зиддиятсиз вазиятда;
8. сўроқ қилинувчининг шахсий муносабати бўйича: а) тўғри кўрсатув берувчи шахсни сўроқ қилиш; б) ёлғон кўрсатув берувчи шахсни сўроқ қилиш [2].

О.В. Чельшева эса сўроқ қилишни сўроқ қилинувчининг процессуал мақомига кўра: гувоҳни; жабрланувчини; гумон қилинувчини; айбланувчини; судланувчини; эксперт ва мутахассисни сўроқ қилишга, ёшга кўра: вояга етганни; вояга етмаганни ва кичик ёшдагиларни сўроқ қилишга, сўроқ қилиш кетма-кетлиги бўйича дастлабки ва қайта сўроқ қилишга, ҳажми бўйича асосий ва қўшимча сўроқ қилишга, сўроқда иштирок этувчи иштирокчилар бўйича учинчи шахслар иштирокисиз ва учинчи шахслар иштирокида сўроқ қилишга ажратишни таклиф қилган[15].

В.И. Комиссаров ва Я.В. Комиссаровалар сўроқ қилишни қуйидаги таснифларга асосан турларга ажратишган:

Сўроқ қилинувчининг процессуал мақомига кўра: гувоҳ; жабрланувчи; гумон қилинувчи; айбланувчи; судланувчи; мутахассис ва экспертни сўроқ қилиш.

Сўроқ қилувчи субъектларга кўра: суриштирувчи; терговчи; тергов бўлими бошлиғи; прокурор; суд.

Иштирокчилар таркибига кўра: прокурор; тергов бўлими бошлиғи; ҳимоячи; педагог; психолог; вояга етмаган шахсни қонуний вакили; таржимон; мутахассис; эксперт;

Сўроқ қилиш кетма-кетлигига кўра: дастлабки ва қайта,

Қабул қилинган маълумот ҳажмига кўра: асосий ва қўшимча.

Сўроқ қилинаётган шахсдан зарур маълумотларни олиш ҳолатига кўра: зиддиятсиз, биров зиддиятли ва ўта зиддиятли[8, Б. 391-392].

Д.Н. Балашов, Н.М. Балашов, С.В. Маликовлар эса сўроқ қилинувчиларни процессуал мақоми таснифига кўра гувоҳ; жабрланувчи; гумон қилинувчи; айбланувчи; эксперт ва мутахассисни сўроқ қилиш турларига, сўроқ қилинувчиларни ёши таснифи жиҳатидан вояга етган, вояга етмаган ва кичик



ёшдаги шахсларни сўроқ қилиш турларига, шахснинг ушбу ҳолатлар бўйича илгари сўроқ қилинганлиги бўйича, бирламчи (дастлабки), қўшимча ва қайта сўроқ қилиш турларига ажратиб кўрсатган.

Биз юқорида зикр этилган муаллифлар томонидан сўроқ қилиш ажратилган тасниф ва турларни тўлиқ ва батафсил деб бўлмайди. Шу боис, уларнинг бу борадаги таклифларини қўллаб-қувватлай олмаймиз. Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, сўроқ қилинувчининг процессуал мақоми таснифи бўйича Р.С. Белкин гувоҳ; жабрланувчи; гумон қилинувчи; айбланувчи ва экспертни сўроқ қилиш, Ш.Т. Джуманов жабрланувчи; гувоҳ; гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш, А.Г. Аленников ва А.Л. Шмидтлар гувоҳ; жабрланувчи; гумон қилинувчи; айбланувчи; судланувчи ва экспертни сўроқ қилиш, О.В. Чельшева, В.И. Комиссаров ва Я.В. Комиссаровалар гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, эксперт ва мутахассисни сўроқ қилиш ҳамда Д.Н. Балашов, Н.М. Балашов ва С.В. Маликовлар гувоҳ; жабрланувчи; гумон қилинувчи; айбланувчи; эксперт ва мутахассисни сўроқ қилиш турларига ажратишган. Бироқ, уларнинг ҳеч бири ЖПКда ўзининг мустақил процессуал мақомига эга бўлган фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, холис, таржимон ва қонуний вакилларни алоҳида тур сифатида қайд этишмаган.

Энг эътиборли жихати шундаки, Р.С. Белкин, Ш.Т. Джуманов, О.В. Чельшева, Д.Н. Балашов, Н.М. Балашов ва С.В. Маликовлар юзлаштириш тергов харакатини сўроқ қилишнинг алоҳида бир тури сифатида талқин қилишган.

Бундай фикрни Н.И. Порубов ҳам билдирган бўлиб, у юзлаштиришни сўроқ қилишнинг бир тури сифатида таърифлаб, унинг мазмуни икки шахсни ёки уларнинг иштирокида навбатма-навбат, галма-галдан сўроқ қилишдир деб таъкидлаган [10, Б. 240].

Юқорида зикр этилган олимлардан ташқари А.К. Давлетов, Л.М. Карнеева, Н.А. Селиванов, А.Б. Соловьев ва М.С. Строговичлар ҳам юзлаштириш тергов харакатини “сўроқ қилишнинг ўзига хос тури”, “сўроқ қилишнинг ўзига хос шакли”, “сўроқ қилишнинг алоҳида тури”, “муқобил сўроқ” деб таъкидлаган бўлса, улардан фарқли равишда, Н.В. Бахарев, А.В. Дулов, В.С. Комарков, В.Э. Коновалова ва Б.С. Максимовлар юзлаштириш тергов харакатини мустақил тергов харакати деб ҳисоблаганлар [1].

Ўз ўрнида, А.Б. Соловьев “юзлаштириш бу қарама-қаршилиқлар мавжуд



бўлганда, баҳсли ҳолатлар бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида илгари сўроқ қилинган икки шахснинг бир-бирининг иштирокида сўроқ қилиш”[11, Б.12] деб таъкидлаган бўлса, В.Э. Коновалова юзлаштиришга “бу тергов ҳаракати сифатида суд-тергов органлари томонидан иш бўйича далилларни олиш ва ҳақиқатни аниқлаш мақсадида шахсларнинг кўрсатувларида мавжуд бўлган жиддий зиддиятларни бир вақтнинг ўзида икки шахсни (икки гувоҳ, иккита айбланувчи, гувоҳ ва айбланувчи) сўроқ қилишдир” [7, Б.123] деб таъриф берган.

Биз юқоридаги юзлаштириш “сўроқ қилишнинг ўзига хос тури”, “сўроқ қилишнинг ўзига хос шакли”, “сўроқ қилишнинг алоҳида тури”, “муқобил сўроқ” деб ҳисоблайдиган олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватламаймиз. Фикримизча, юзлаштириш сўроқ қилишнинг бир тури сифатида таснифланмаслиги керак. Юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади [13]. Ушбу тергов ҳаракати ЖПКда мустақил тергов ҳаракати сифатида тасодифий тартибга солинмаган. Мазкур тергов ҳаракати ўз мақсадини кўзлайди ва сўроқ қилишнинг мақсади, тартиби ва тактикасидан фарқ қиладиган ўзига хос тартиб ва тактикага эга.

Шу ўринда, биз юзлаштириш ва сўроқ қилиш ўртасидаги фарқ жараённинг бошқа иштирокчиси ёрдамида қўшимча эмоционал таъсир қилишда ҳам намоён бўлиши ҳақидаги А.В. Дулов ва П.Д. Нестеренколарнинг [10, Б.242-243] фикрларини қўллаб-қувватлаймиз. Зотан, юзлаштиришдаги бир иштирокчининг бошқасига психологик таъсири ижобий натижаларга олиб келиши, кўрсатувлардаги зиддиятни сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этишга имкон бериши ёки рақибини психологик таъсири натижасида аввал берган тўғри кўрсатувини ёлғонга ўзгартириб, зиддиятни янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Назаримизда юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг махсус мақсади билан бир қаторда уни мустақил тергов ҳаракати сифатида тавсифловчи бир қатор бошқа хусусиятларга ҳам эга. Унинг асосий хусусиятлари бир нечта шахсларнинг бир вақтда сўроқ қилиниши, бир вақтда қайд қилиниши, объекти, предмети, ўтказиш жойи ва вақтининг бирлиги, терговчининг



саволлари ва бир-бирининг кўрсатувларини идрок этиш шартларининг тенглигидадир.

Юқоридагилардан ташқари, сўроқ қилиш ва юзлаштириш ўртасида бошқа фарқлар ҳам мавжуд. Аввало, ушбу тергов ҳаракатлари турли хил психологик хусусиятларга эга. Бу борада Н.И. Порубовни фикрларини қўллаб-қувватлаймиз. Уни таъкидлашча, юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш бир қатор психологик хусусиятлар билан тавсифланади: 1) юзлаштириш зиддиятли вазият туфайли янада мураккаб психологик муҳит, тўғри кўрсатув берадиган иккинчи шахснинг мавжудлиги таъсири билан тавсифланади, бу юзлаштиришнинг ушбу иштирокчиси билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани эслаб, хотирани фаоллаштиришга олиб келади; 2) бунда ёлғон кўрсатув берган сўроқ қилинувчи шахсга ижобий таъсир кучайиб, тўғри кўрсатув берган юзлаштириш иштирокчиси терговчи томонидан ўзининг иттифоқчиси деб ҳисобланади ва унинг ёрдамида иккинчи иштирокчидан ҳақиқий гувоҳлик олиш мумкин бўлади; 3) юзлаштириш вақтида терговчи (суриштирувчи) томонидан юзлаштириш иштирокчиларига психологик таъсир кўрсатиш учун қўлланиладиган тактикалар доираси кенгрок бўлади [10, Б.242-243].

Тадқиқот давомида олиб борилган илмий изланиш натижаларидан ва юқорида номлари зикр этилган олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда сўроқ қилиш тергов ҳаракатини қуйидаги таснифлар бўйича турларга ажратишни таклиф қиламиз:

1. Сўроқ қилишни ўтказадиган субъект бўйича;
2. Сўроқ қилиш жойи бўйича;
3. Сўроқ қилинаётган шахснинг процессуал мақоми бўйича;
4. Учинчи шахсларни сўроқ қилишда ҳозир бўлиши ва иштирок этиши бўйича;
5. Сўроқ қилинаётган шахснинг ёши бўйича;
6. Сўроқ қилишнинг кетма-кетлиги бўйича;
7. Сўроқ қилишни қайд этиш усули бўйича;
8. Сўроқ қилиш пайтида техник ва бошқа воситалардан фойдаланиш бўйича;
9. Сўроқ қилиш пайтида кўрсатувни қайд этувчи субъект бўйича;
10. Сўроқ қилинаётган шахснинг психофизиологик камчиликлари бўйича;
11. Сўроқ пайтида олинган маълумотлар бўйича;
12. Сўроқ қилинувчининг ишга нисбатан муносабати бўйича.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://studwood.net/557578/pravo/ponyatie_zadachi_vidy_znachenie_oc_hnoy_stavki(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.04.2022 й)
2. Аленников А.Г. Криминалистика: Учебник. –2010. <https://be5.biz/pravo/k028/index.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.04.2022 й)
3. Белкин Р.С. Криминалистика: Учебник.–2001. <https://be5.biz/pravo/k023/35.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.04.2022 й)
4. Белкин Р.С. Курс советской криминалистики. В 3 т. Т. 1. – М.: редакцион.-издатель. отдел, 1977. – 489 с.
5. Васильев А. Н., Карнеева Л. М. Тактика допроса при расследовании преступлений. М. : Юрид. лит., 1970. 208 с.
6. Джуманов Ш.Т. Криминалистика: Учебник.–Академия МВД Республики Узбекистан, 2017. – с 230-231.
7. Коновалова В.Е. Тактика производства очной ставки. Ученые записки. Вып. 6. Харьков: Харьковский юридический ин-т, 1955. С. 123.
8. Криминалистика : учебник (уровень специалитета) / под ред. А. И. Бастрыкина, Е. П. Ищенко, Я. В. Комиссаровой. — Москва : Проспект, 2019. — 391-392 с.
9. Криминалистика: Учеб. для вузов/ И.Ф. Герасимов, Л.Я. Драпкина, Е.П. Ищенко и др.— М.: Высш. шк., 2000.— 153 с.
10. Порубов Н.И. Допрос в советском уголовном судопроизводстве. Издание 2, перераб. и допол. – Минск: из-во «Высшая школа», 1973. – 242-243 с.
11. Соловьев, А.Б. Очная ставка / А.Б. Соловьев. – М.: Юрлитинформ, 2006. – 12 с.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2016-2018. – Б. 73, 256.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.04.2022 й)
14. Ханов Т.А., Куренкеев Д.М. Понятие и система следственных действий // Актуальные проблемы современности. 2015. № 4 (10). С. 9-12.



15. Чельшева О.В. Криминалистика: Учебник. –2017.
<https://be5.biz/pravo/k043/28.html#2> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.04.2022 й)
16. Ботаев М. Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш //Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – 2020.

